ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

НИШОНОВА НОДИРАХОН РАЙИМЖОНОВНА

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSC) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

УДК: 340.12:1:323:070(575.1)

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Нишонова Нодирахон Райимжоновна
Ўзбекистон давлат бошқаруви тизимида хотин-қизлар фаолиятининг ижтимоий-фалсафий таҳлили.....5

Нишонова Нодирахон Райимжоновна
Социально-философский анализ деятельности женщин в системе ударственногоуправления Узбекистана.....26

Nishonova Nodirakhon Raimjonovna
Social and Philosophical analysis of Women's Activity in State Administration System of Uzbekistan.....52

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works……..... 57

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

НИШОНОВА НОДИРАХОН РАЙИМЖОНОВНА

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.DSc/Fal21 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (wwwfs-ik.uz) ва «ZiyoNet» аборот-таълим порталига (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи **Тўйчиев Бердиқул Тўрақулович**
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Убайдуллаева Раъно Ахатовна**
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясинингакадемиги,иқтисод фанлари доктори, профессор

Саифназаров Исмоил Саифназарович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Ҳусейнова Абира Амоновна
фалсафа фанлари доктори, профессор в/б.

Етакчи ташкилот:Тошкент педиатирия тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.F.01.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «____» _____ куни соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади.(Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона, Тел.:(+99871) 246-02-24; факс: (+99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz.

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин.(____ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (+99871) 246-46-55; факс: (+99871) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2019 йил «_____» ойининг«__» кунида тарқатилди.
(2019 йил «_____»_____даги ____ рақамли реестр баённомаси).

И.Р.Хўжамуродов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

Д.И.Файзиходжаева,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, ф.ф.н., доцент

Г.Т. Махмудова,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, ф.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда ҳаёт суръатлари жадаллашиб бораётган бир даврда аёллар масаласи глобал муаммолардан биридир. Баъзи бир давлатларда бозор иқтисодиётига ўтиш фуқароларнинг турмушини қийинлаштириши, аёллар аҳволига ўзининг салбий таъсирни ўтказмоқда. Жаҳоннинг тараққий этган давлатларида ҳам хотин-қизлар расмий ишчи кучининг учдан бирини ташкил этишига қарамай, аёлларни сиёсий, иқтисодий ҳуқуқларини, гендер тенглигини таъминлаш муаммо бўлиб қолмоқда. Шу боис 1995 йил БМТ ўзининг махсус маърузасида аёллар масаласини ҳар бир ижтимоий-сиёсий даврда эътибор берилиши лозим бўлган асосий масалалардан бири бўлиб қолаётганини кун тартибига қўяди[1].

Дунё фалсафий тадқиқотларида аёлларнинг давлат вакилликдаги мавқеига таъсир этган сиёсий, иқтисодий ва маънавий омилларни ижтимоий-фалсафий жиҳатдан таҳлил қилиш, муаммоларни ўрганиш ва ечимини излашлар долзарб масаладир. Америка Қўшма Штатлари, Франция, Германия, Япония, Хитой, Канада каби ривожланган давлатларида “Боқий таълим”, “Халқаро хотин-қизлар тадқиқотлари федерацияси”, “Инсон капитали”, “Шахсий компетентлик”, “Халқаро Бизнес ва Профессионал Аёллар Федерацияси”, “Халқаро хотин-қизлар саломатлиги комиссияси” каби йўналишларида касбий ва ахлоқий билимга эга мутахассисларни тайёрлаш жамият истиқболини белгиловчи омиллардан бири ҳисобланади. Шунинг учун аёлларни жамият ва давлат ишларини бошқаришга жалб этиш, уларнинг ижтимоий фаоллиги, интеллектуал салоҳияти ва тажрибаларидан самарали фойдаланиш масалаларига оид кўплаб тадқиқотларга зарурат янада ошиб бормоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий, иқтисодий,сиёсий ва маънавий-маданий ислоҳотлар мамлакатимиз миллий демократик тараққиётини таъминлашга, уни модернизациялаш ва ривожланган давлатлар даражасига кўтаришга қаратилган. Ижтимоий фаолликка эга бўлган давлат, жамият, оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис қиладиган шахсларни тарбиялашда давлатни ва вакиллик органларини, халқни куч-қудрати, ташаббуси ва қўллаб-қувватлашига таянишни ҳаракатлантирувчи куч сифатида қаралмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида устувор вазифа сифатида кўрсатилган: «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш органини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бандларида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни давлат ва жамият вакилликдаги ўрнини кучайтириш, касб-ҳунар колллежи битирувчи қизларининг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оила асосларини янада

[1] Права человека//Единство общечеловеческого и национального. Том 1 –Тошкент: Шарқ, 1995. –С.17-21; 350-472.

мустаҳкамлаш»[2] каби заруриятидан келиб чиқиб, қилинаётган барча ҳаракатлар, ўз навбатида оила ва жамиятда хотин-қизлар фаолиятини мустаҳкамлашда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётганлигига қарамай долзарб масалага айланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5325-сон Фармони, ва 2017 йил 22 декабрда ва 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлисга Мурожаатномалари[3], 2019 йил 7 мартдаги «Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қуватлашга оид чора тадбирлари тўғрисидаги» ПҚ-4235-сон Қарори, 2019 йил 2 сентябрдаги «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги ЎРҚ-562-сон Қонуни ҳамда мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.“Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривжлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” ва 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи[4]. Дунё жамиятларидаги давлат вакиллик органида хотин-қизлар фаолиятининг ижтимоий-сиёсий масалалари бўйича илмий изланишлар жаҳондаги етакчи илмий марказлар ва олий таълим муассасаларида: Stanford Universities premier research institute for the study of International Affairs (АҚШ), Office of Global Women's lssues (АҚШ),Women ln German Society (Германия), Фридрих Эберт номидаги жамғарма (Германия), British federation of womtn graduates (Буюк Британия), Canadian Women's Foundation (Канада), French-Australian Business Women's Association (Франция), Swedish Women's Educational Association (Швеция), College Women's Association of Japan (Япония), Asia Research Instite (Жанубий Корея), Комитет по развитию

---

[2]Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. / Расмий нашр/ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.-Тошкент: «Адолат», 2018. –Б.22-23.

[3]Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2018. -80 б.; https://www.pv.uz/uz/news/poslanie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirzieeva-olij-mazhlisu.

[4]https://www.ucis.pitt.edu/,http://www.state.gov/s/gw/,http://germanculture.com.ua/germfny-facts/women-in-german-society/, http://bfwg/org.uk/bfwg/, http://www.canadianwomen.org/, http://www, thepolyglotgroup. com. au/fabwa/, http://swea.org/, https://www.oeaw.ac/at/iran; http://www.cwaj.org/,http://womanopora.ru/, http://bwa. uzorg. net/ about_rus. Html, https:// xotin-kizlar/uz.

женского предпринимательства “Опора России” (Россия), Россия Федерациясининг М.В.Ломоносов номидаги Москва Давлат университети Фалсафа факультети, Россия Фанлар академиясининг Социология Институти, Л.Н.Гумилев номидаги Евразия Университети (Нурсултон), Тожикистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик тадқиқотлар институти (Душанбе)да олиб борилмоқда.

Хотин-қизлар масаласининг стратегик муаммоларига оид жаҳондаги мамлакатларда олиб борилаётган тадқиқотлардан жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: хотин-қизларнинг сиёсий жараёнларга тўлақонли иштирокини таъминлашга боғлиқ масалаларнинг (сиёсатда гендер симметрияси ва асимметрияси, хотин-қизларнинг сиёсий мақоми, сиёсий лидерлиги) илмий-назарий ва ижтимоий-фалсафий қарашлари (клан, инқирозли, ижтимоий-демократик) ривожлантирилган (Шимолий Америка, Австралия, Франция, Швеция, Англия, Германия, Жанубий Корея, Россия); хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва гендер тенглигига оид социологик, психологик, психоаналитик концепциялар ишлаб чиқилган (Германиянинг Фридрих Эберт номидаги жамғармаси, Жанубий Корея Ихтирочи аёллари Ассоциацияси, Франция феминизм ҳаракатчилари); аёлларнинг ижтимоий-сиёсий имкониятлари ва фаолликлари масалалари илмий асосланган (Москва давлат университети илмий тадқиқотчилари);

Хотин-қизларнинг сиёсий соҳадаги гендер муаммоларига оид гендер идентиклиги, жинс назарияси, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаракати, гендер тенглик ва феминизм масалаларининг миллий ва маданий идентикликка мослиги муаммоларини ижтимоий-фалсафий жиҳатдан тадқиқ этиш устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда ва дунё илмий ҳамжамияти томонидан ўрганилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жамият ҳаётида аёлларнинг тутган ўрни ҳақидаги дастлабки ижтимоий-фалсафий таҳлилга қараганда XIX асрда юзага келган феминизм АҚШ ва Европада, кейинчалик дунёда эркак билан аёлнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлашга интилди. Бугун феменларни дунёнинг барча мамлакатларида учратиш мумкин.

“Феминизм” атамаси инсоннинг биосоциологик табиатига зид келувчи барча ижтимоий ҳодисаларга, жумладан ўз жинсини алмаштириш, лесбиянка, гомосексуализм, фоҳишабозлик (проституция), “одам савдоси” каби ноинсоний воқеликка зид ҳаракат тушунчасидан келиб чиққан.

Хорижий илмий тадқиқотларда (Ғарбда) эркак билан аёлнинг ижтимоий-сиёсий тенг ҳуқуқлилигини, бу борада мавжуд муаммоларни бартарф этиш чора-тадбирларини ўрганишга оид фундаментал тадқиқотлар (К.Амундсен, П.Ж.Бьюкенен, О.Вейнингер, Г.Плоссь, О.Кардави, Дж. Ландрам, А.Пиз, Б.Пиз, Б.Фридан, З.Фрейд, К.Флинт, Э.Фромм, Л.Хабер, Элизабет Паркс), Ғарб феминизми ва Шарқ феминизми (О.Кардави) билан боғлиқ айрим муаммолар ўрганилган. Аммо улар миллий тадқиқотларда менталитет, этномаданий анъаналар ва стереотипларнинг хотин-қизларга таъсири етарлича ҳисобга олинмаган.

МДҲда хотин-қизлар масаласи кенг тадқиқ этилмоқда. Улар ичида радикал феминизм ва сексуал эркинликни қўллаб-қувватловчи ёндашишлардан тортиб, аёлларни давлат вакилликда фаол иштирок этишини таъминлаш йўлларини, механизмларини топишга қаратилган илмий-рационал изланишлар (Т.Бендас, А.Бабич, Ю.Безелянский, А.Веселовский, В.А.Геодакян, Е.П.Ильин, Е.И.Калинина, И.С.Клецина, Ц.П.Короленко, Н.А.Усачева, Н.Хамитов, Л.И.Шинелова, С.В.Поленина, Б.Тугелбаева, А.Табишалиева, А.Карасаева, Т.А.Машика, Г.Г.Силласте, Т.Н.Сидорова, Е.А.Баллаева, Е.Здравомислова) ўрганилган[5]. Тўғри, уларда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги масалалари бевосита ўрганилмайди, аммо уларда гендер тенглик, эркак ва аёлнинг психофизиологик хусусиятлари, оилавий муносабатлар, анъанавий турмуш тарзининг аёллар менталитети ва ижтимоий фаолиятига таъсири тадқиқ этилгани муаммони объектив, тўлиқ ўрганишга қаратилиб, жамият тараққиётининг турли мураккабликдаги зиддиятли кўринишлари очиб берилган.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ўрни ва роли билан боғлиқ муаммоларни таҳлил қилиш, ечимини ўрганиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий мавқеини юксалтириш жиҳатлари А.Х.Саидов, С.Ш.Рашидова, Э.Султонова, Д.Алимова, О.Мусурмонова, Ф.Отахўжаев каби олимлар томонидан ёритилган асар ва мақолаларда Ўзбекистон хотин-қизларининг ижтимоий-сиёсий мавқеи ва нуфузини кўтаришнинг ҳуқуқий жиҳатлари, уларни ижтимоий ҳимоя этишдаги қонунчиликнинг ривожланиши каби йўналишлар таҳлил этилган.

Хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги фаоллиги, уларнинг жамиятдаги мақоми ва мавқеини юксалтириш зарурати табиий бир жараён бўлиб, уни амалга ошириш инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг таркибий қисми саналади. Айниқса, демократик янгиланишлар даврида хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий мавқеини ошириш муҳим аҳамият касб этишига йўналтирилган Г.А.Маткаримова, М.Холматова, Р.С.Самаров, С.Х.Сафаева, Н.Т.Муравьева, А.А.Ҳусеинова, Г.Б.Ўразалиева, Н.Ж.Юсупова, С.А.Аҳрарова, О.Ж.Нишонова, Я.А.Абдуллаева, М.Қ.Ғаффороваларнинг докторлик ҳамда номзодлик илмий ишларини алоҳида таъкидлаш мумкин[6].

Юқорида номлари келтирилган олимларнинг илмий хулосалари хотин-қизларнинг ўрни, методологик ва мунозарали масалаларни объектив баҳолаш имконини беради. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти ва давлатимиз раҳбарининг асарларидаги[7] хотин-қизларни жамият ва давлат вакиллик органларидаги фаолиятига доир, дунё фалсафий мероси, ҳамда мамлакатимизни барқарор ва изчил ривожлантиришга оид концептуал ғоялари Ўзбекистон давлат вакиллик органида хотин-қизлар

---

[5]Мазкур тадқиқотчиларнинг асарлари диссертация охиридаги фойдаланилган адабиётлар рўйхатида киритилган.

[6]Тадқиқотчиларнинг диссертациялари фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

[7]Мирзиёев Ш.М.Аёлларимизнинг бахти – халқимиз, жамиятимизнинг бахтидир // Халқ сўзи, 2018, 8 март. Манбалар фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган

фаолиятининг ижтимоий-фалсафий таҳлил қилиш ва мавқеини мустаҳкамлаш муаммолари, ижтимоий-сиёсий фаол аёл портретини ўрганиш жиҳатлари хотин-қизлар фаолияти концепциясини ишлаб чиқишда назарий-методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Ўзбекистон Миллий университетининг 2017-2020 йилларга мўлжалланган "Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг муштараклиги" мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон давлат вакиллик органида хотин-қизлар фаоллигини ижтимоий-фалсафий жиҳатдан ўрганиш, улар фаоллигини юксалтиришни илмий асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

давлат вакиллик органида аёллар мавқеига, уларнинг демократик бошқаришдаги ўрнига таъсир этган омилларни кўрсатиш;

хотин-қизлар, феминизм ва гендер тенглик масалаларига оид илмий изланишларни таҳлил қилиш, ижтимоий фикрни шакллантиришдаги аҳамиятини ижтимоий-фалсафий жиҳатдан аниқлаш;

Олий давлат вакиллик органида ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий фаоллигидаги вазифаларини белгилаш ва анъанавий қарорлар қабул қилиш услубларини тизимлаштириш;

маҳаллий давлат вакиллик ва ижро этувчи органида хотин-қизларнинг фаолиятидаги муаммоларни аниқлаш ва таҳлил этиш, зарур тавсиялар ишлаб чиқиш, унинг динамикасини илмий асослаш;

хотин-қизларнинг маънавий-ахлоқий фазилатлари ва лидерлик хусусиятларини аниқлаш ва сиёсий фаоллигини оширишнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш заруратини асослаб бериш орқали замонавий, ижтимоий-сиёсий фаол аёлнинг портретини яратиш, амалий таклиф ва тавсияларни шакллантиришдан иборат.

Тадқиқотнинг объектини Ўзбекистон вакиллик органларида хотин-қизлар фаолиятининг таҳлили ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети хотин-қизларнинг давлат вакиллик органларидагиижтимоий-сиёсий фаоллик жиҳатларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда комплекс ёндашув, анализ ва синтез, тарихийлик ва мантиқийлик, ретроспектив ва органли таҳлил, қиёслаш, оммавий сўровнома, эксперт сўровномаси, экспресс савол-жавоб, интервью-суҳбат, кузатиш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Давлат вакиллик органларида аёллар мавқеига таъсир эхтувчи сегерацияни бартараф этишнинг ҳуқуқий, аксиологик ва праксиологик мезонлари бирлиги механизми ишлаб чиқилган;

хотин-қизларнинг гендер тенглиги ва феминизмнинг ижтимоий-фалсафий моҳияти халқ менталитетига асосланиш зарурати очиб берилган;

хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини оширишда назария ва амалиёт бирлигини таъминлаш муҳимлиги асосланган;

ижро этувчи ва маҳаллий давлат вакиллик органида хотин-қизларнинг фаолиятидаги муаммолар (давлат вакилликдаги иштирокида сунъий тўсиқлар қўйиш) ўрганилиб, уларни ҳал этиш механизмлари (сиёсий тарбияни йўлга қўйиш, хотин-қизларга бўлган стереотипларни ўзгартириш, Халқаро хотин-қизлар ҳаракати билан алоқаларни ва тажриба алмашишни кенгайтириш) ишлаб чиқилган;

замонавий ижтимоий-сиёсий фаол аёл портретини яратишда маънавий-ахлоқий фазилатлар ва лидерлик хислатлари уйғунлиги зарурати асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

хотин-қизлардаги ижтимоий-сиёсий фаолликни, лидерлик хусусиятларини давлат вакиллик органи талаблари даражасига кўтариш механизмлари ишлаб чиқилган;

қонунлар чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимлиги органида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти, ўрни ва мавқеи, давлат вакиллик органини модернизациялашда аёлларнинг иштироки, фуқаролик жамиятини ривожлантиришда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш масалаларига қаратилган назарий хулоса, амалий тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилган, ҳамда амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда мақолалар чоп этилгани, нашр этилган монография ва у ҳақдаги тақриз, хулосаларда, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти давлат бошқаруви тизимида хотин-қизлар фаолиятининг ижтимоий-фалсафий таҳлилида илгари сурилган ижтимоий-фалсафий ғоялардан, умумлаштирилган илмий хулосалардан хотин-қизларнинг ижтимоий, сиёсий,иқтисодий, маданий ҳаётдаги фаоллигини ошириш, гендер тенглик, эмансипация, феминизм ҳаракатининг моҳиятини, генезиси ҳамда инсоният ҳаётидаги ўрнини ўрганишга ва такомиллаштиришга тўсқинлик қилувчи муаммоларни бартараф этишга қаратилган ижтимоий-фалсафий тадқиқотлар учун илмий-услубий асос бўлиши мумкин. Ушбу тадқиқотда ишлаб чиқилган қатор категориал тушунчалар “Ахлоқшунослик”,“Маънавиятшунослик”, “Маданиятшунослик” соҳаси, “Давлат вакиллик”, “Сиёсий институтларни вакиллик”, “Гендер фалсафаси”, “Гендер психологияси”, “Жамоатчилик билан алоқаларни ташкил этиш методикаси” каби фан соҳаларини бойитиши, илмий-услубий асос бўлиши, шунингдек, давлат вакиллик органи учун махсус кадрларга мўлжалланган маърузалар, ўқув қўлланмалар, дарсликлар ва ушбу

йўналишдаги кейинги тадқиқотлар учун муайян назарий манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки диссертацияда ўз аксини топган назарий хулосалар, аниқ амалий таклиф-тавсиялардан “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси” ва жойлардаги бўлимлари, “Маънавият ва маърифат маркази”, “Оила институти”, “Олима” аёллар уюшмаси, “Ёшлар иттифоқи” фаолиятида ёшлар билан уюштирилган мулоқот ва давра суҳбатларида ҳамда, ушбу йўналишдаги маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишда, гендер фалсафасини яратишга, аёл ва давлат, аёл ва жамият, аёл ва вакиллик мавзуларида илмий маърузалар, махсус курслар тайёрлашда назарий-амалий материаллар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Давлат вакиллик органида хотин-қизлар фаолиятининг ижтимоий-фалсафий таҳлили бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

Давлат вакиллик органларида аёллар мавқеига таъсир этувчи сегерацияни бартараф этишнинг ҳуқуқий, аксилогик ва праксиологик мезонлари бирлиги механизми ишлаб чиқилганлиги ҳақидаги илмий янгилигидан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг 2017 йил режасига киритилган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонининг “4.2.Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш органини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш” бандини бажарилишида давлат вакиллик органида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада оширишга қаратилган 2018 йил тарғибот-ташвиқот ишларида аёл-қизларга нисбатан сегерацияни бартараф этишда, уларда ҳуқуқий онг ва маданий ўсиш, амалиётда қадрият сифатида олиб қараш ҳақидаги тавсиялар ижобий таъсир кўрсатган (Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг 2019 йил 28 мартдаги 04/584-19-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг амалиётга жорий этилиши мамлакатимизнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий соҳаларда ривожланишида илғор фикрли, интеллектуал салоҳиятли, билимли, жаҳон стандартларига жавоб берадиган етук аёл кадрларни тайёрлаш ва фаоллигини юксалтиришда асос бўлиб хизмат қилган;

хотин-қизларнинг гендер тенглиги ва феминизмнинг ижтимоий-фалсафий моҳияти халқ менталитетига асосланиш заруриятига оид илмий-назарий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар “Олима” уюшмаси томонидан аёлларнинг фан ва таълим соҳасидаги ижтимоий фаоллиги, уларнинг инновацион ғоялари мамлакатни модернизациялаш ва демократлаштириш, фан ва таълимни инсонпарварлаштириш жараёнида ўз ўрни ва аҳамиятга эга эканлиги 2013 йил “Обод турмуш” йилига бағишланган “Аёл фан ва таълим органида” мавзусидаги лойиҳасини амалга оширилишида ва олий таълимларда таҳсил олаётган хотин-қизлар фаолиятида амалиётга тадбиқ этишда, шунингдек, олий давлат вакиллик, ижро этувчи вакиллик органи ва суд ҳокимияти (вакиллик) фаолиятида хотин-қизларнинг иштироки, улар олиб бораётган ижтимоий-сиёсий фаоллик

кўринишлари, давлат вакиллик органида субъект ва объкт муносабатларининг халқ менталитетига мосликда бўлиш зарурлиги ҳақидаги назарий-методологик асослари тўғрисидаги илгари сурилган ғоялардан илмий жиҳатдан фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар “Олима” уюшмасининг 2019 йил 4 апрелдаги 1-102 сон маълумотномаси). Илгари сурилган илмий хулосалар ёш қизларнинг билиш жараёнидаги муаммоларни ўрганишда назарий билимларини такомиллаштиришга ҳамда воқелик ҳақидаги тасаввурларнинг ўзгаришига хизмат қилган ;

хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини оширишда назария ва амалиёт бирлигини таъминлаш муҳимлиги асосланганлиги ҳақидаги илмий янгилигидан “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш Марказининг 2016-2017 йилларга мўлжалланган фаолиятни амалга оширишда фойдаланилган (“Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш Марказининг 2019 йил 18 февралдаги 0116/54-сон маълумотномаси). Тадқиқот хулосаларидан, таклиф ва тавсиялар, таҳлил ва талқинлардан аёл-қизларимизда янгича стереотипларни шакллантиришга хизмат этган ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг мустаҳкамланишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларининг натижадорлигига ижобий таъсир кўрсатган;

ижро этувчи ва маҳаллий давлат вакиллик органида хотин-қизларнинг фаолиятидаги муаммолар (давлат вакилликдаги иштирокида сунъий тўсиқлар қўйиш) ўрганилиб, уларни ҳал этиш механизмлари (сиёсий тарбияни йўлга қўйиш, хотин-қизларга бўлган стереотипларни ўзгартириш, Халқаро хотин-қизлар ҳаракати билан алоқаларни ва тажриба алмашишни кенгайтириш) ишлаб чиқилган,-деган илмий янгилигидан “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциациясининг 2018 йил режасидаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармонида қайд этилган “хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, меҳнат шартномаларини яхшилаш, хотин-қизларни, айниқса, қишлоқ жойлардаги ёш қизларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, ҳунармандчиликка кенг жалб этиш масалаларида ҳар томонлама манзилли қўллаб-қувватлаш” бандининг ижросини бажарилишида, вилоятлар кесимидаги таҳлилларда, вилоятларда ўтказилган “Тадбиркор аёл” ўқув семинар-тренинглари ва конференцияларида фойдаланилган (“Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциациясининг 2019 йил 3 апрелдаги 04/691-19-сон маълумотномаси). Ишлаб чиқилган зарур тавсия ва унинг динамикасидан мамлакатимиз хотин-қизларининг оилавий, хусусий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликка кенг жалб этишга қаратилган тарғиботишларига ижобий таъсир кўрсатган;

замонавий, ижтимоий-сиёсий фаол аёл портретини яратишда маънавий-ахлоқий фазилатлар фазилатлар ва лидерлик хусусиятлари уйғунлиги зарурияти асосланган деган илмий янгилигидан, амалий таклиф ва тавсиялардан ФА-Ф1-ГО16 рақамли «Шахс акмеологик муаммоларининг ахлоқий ечимлари: ижтимоий-этик тадқиқот (ҳолат ва истиқбол)» мавзуидаги фундаментал илмий-тадқиқот ишининг ечимлари, ҳолат ва истиқболни

тадқиқ этишда ва лойиҳанинг «XXI – аср интеллектуал ғоялар асри» бандини бажаришда, лойиҳа бўйича ҳисоботлар тайёрлашда (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 19 февралдаги 89-03-726-сон маълумотномаси) ижобий таъсир кўрсатган.

«Давлат бошқаруви тизимида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари» номли ўқув қўлланмасидан вилоят, туман, шаҳар ҳокими ўринбосарлари, хотин-қизлар қўмитаси раисларининг ўқув семинар – тренингида давлат вакиллик органида фаол - лидер хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий жиҳатдан адолатли қарор қабул қилиши, жамоага таяниши, кишиларни уюштира билиши, Ватан манфаатларига хизмат қилиши, фидойилиги, қонунларга, тартибларга бўйсуниши, тинмай янгиликка интилиши, анъанавий қарорлар қабул қилиши каби услубларга доир илмий янгиликлардан фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академиясининг 2019 йил 20 февралдаги 19/320-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг амалиётда қўлланилиши кадрларни мақсадли тайёрлаш органини такомиллаштириш ижросини таъминлашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, 5 та халқаро ва 34 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 60 та илмий иш, жумладан 1 та монография, 1 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 21 та мақола, шундан, 19 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация Кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 251 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Давлат вакиллик органида субъект ва объект муносабатларининг назарий-методологик асослари**» деб номланган биринчи бобида давлат вакиллик органи, тушунчаси ва унинг ижтимоий-

фалсафий моҳияти, мазмуни, объектлари ва ижтимоий белгилари, субъект ва объект муносабатларининг диалектик боғлиқлиги, демократик жамиятда давлат бошқарувининг имманент хусусиятлари каби масалалар тадқиқ этилган. «Вакиллик органи субъекти» деганда инсон, ижтимоий-сиёсий борлиққа таъсир этувчи, уни ижтимоий манфаатларга мувофиқ ўзгартиришга, юксалтиришга интилувчи, ихтиёрий тарзда гуруҳ, жамоа, партия, давлат вакиллик органида фаолият кўрсатувчи шахс тушунилиши қайд этилган. Мазкур шахсни ички маънавий-руҳий омиллар – муҳит, маҳалла, юрти, ватани, давлати олдидаги бурчини ҳис этиши, ижтимоий-сиёсий фаолликка ундайди. Унинг ушбу беғараз хизмати, фидойилиги, эл-юрт равнақи, ижтимоий-сиёсий борлиқни, давлат вакиллик органини янада такомиллаштириш манбаидир.

Бобда давлат вакиллик органи, унда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини намоён бўлиш хусусиятлари, демократиянинг бошқаришга, ундаги кечадиган субъект-объект муносабатларига таъсири масалалари муҳокама қилинган. Вакиллик органида кечадиган субъект-объект муносабатлари хотин-қизларнинг шунчаки ички эҳтиёжлари, истаклари натижаси эмас, балки демократик тараққиёт талабларининг инъикоси эканилиги асосланган.

Диссертацияда ижтимоий борлиқ кишилар онгли фаолиятининг инъикоси сифатида бир-бирига диалектик боғлиқ субъект ва объект муносабатларидан иборатлиги, ушбу муносабатларнинг ядроси бўлган давлат, унинг институтлари ва вакиллик органи тасодиф маҳсули эмаслиги, улар кишиларнинг рационал фаолияти натижаси сифатида шаклланган таъкидланган. Шунинг учун давлат вакиллик органи энг аввало субъект ва объект муносабатларини рационал ижтимий-сиёсий фаолият сифатида таҳлил қилишни тақозо этади, деган фикр илгари сурилган.

Давлат бошқаруви ижтимоий-сиёсий фаолият тури ҳисобланади. Бошқарув жараёнига аралашган, кишиларнинг хатти-ҳаракатларини ташкил этиш маъсулиятини олган ҳар бир субъект – инсон, шахс, гуруҳ ижтимоий-сиёсий ҳаётга тааллуқли вазифа билан шуғулланади. Демак, давлат бошқаруви билан шуғулланувчи субъект аниқ ижтимоий-сиёсий ҳаётни, жараёнларни ташкил этувчи, йўлга қўювчи ва бошқарувчидир.

Ижтимоий-сиёсий жараёнларни бошқариш инсон фаолиятининг мураккаб, серқирра ва қарама-қаршиликларга тўла кўринишларидан биридир. Шунинг учун ким бошқаради (ёки бошқара олади), кимни бошқаради (ёки бошқара олади) ва қандай бошқаради (ёки бошқара олади) деган фундаментал аҳамиятга эга саволлар фалсафани кўпдан бери қизиқтириб келади. Ижтимоий-сиёсий борлиқ талабларига мувофиқ

келадиган, унинг барча томонларини ифода этадиган субъект моделини яратиш ҳали ниҳоясига етмаган. Инсоният мазкур субъект моделини бугун демократияда, демократик бошқарувда кўраётган бўлса-да, уларнинг гносеологик моҳияти турлича талқин қилинмоқдаки, бу ҳол бошқарув субъектининг генезисига, функционал хусусиятлари ва кратологик моҳиятига назар ташлашга ундайди.

Давлат вакиллик органи сиртдан қараганда давлатни, давлат институтларини бошқариш билан боғлиқ фаолият туридек кўринади. Эмпирик, кундалик ёндашиш нуқтаи назаридан бу тўғри. Бироқ давлат вакиллик органи давлатни ёки унинг институтларини бошқаришдангина иборат эмас, у инсон ва инсонлар, гуруҳ ва гуруҳлар, миллат ва элатлар, иқтисодий бойликларни, ресурсларни, ҳудудлар ва шаҳарларни, аҳоли миграциясини, меҳнат жараёнларини, ижтимоий, маданий, демография ва интеграция соҳаларини, хуллас, ижтимоий-сиёсий борлиқни тўлақонли ишлашини ва тараққиётини таъминлашга қаратилган мураккаб, ранг-баранг фаолиятдир. Бошқарув ҳар бир аниқ кўринишда бетакрор ҳодисадир, у ҳеч қачон айнан такрорланмайди. Бошқаришнинг самарали ва рационал ташкил этилган кўринишлари (масалан, субординация ёки координация, автократик ёки кооператив бошқариш) бўлса-да, улар ижтимоий-сиёсий борлиқнинг умумий талаблари (масалан, жамиятда миллатлараро муносабатларни тўғри йўлга қўйиш)га итоат этади, лекин ҳар бир конкрет ҳолда бетакрордир. Айнан ушбу ҳолат, омил бошқаришни рационал-оптимистик ташкил этишга, яъни уни маълум бир тизим – институтлар орқали олиб боришга ундайди.

Давлат бошқарувини тизимли, институционал олиб бориш объектив заруратдир. Ҳеч бир давлат, жамият ўз тизимини, институтларини тузмай, уларнинг тўлақонли ишлашини таъминламай туриб яшай олмайди. Давлат ва жамиятнинг функционал хусусиятлари, давр талабларига мувофиқ фаолият олиб бориши уларнинг (жамият ва давлатнинг) тизимларига, институтларига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам А.И.Пригожин, ҳар бир ташкилот, тизим «ўз аҳолиси ва ҳудудига, иқтисоди ва иерархиясига, мақсадига ва раҳбариятига эга кичик жамият». Унинг ўз “микроцивилизацияси: тарихи, маданияти, технологияси мавжуд»[8], деб ёзади. Ушбу «ташкилий база»ни такомиллаштириб, давр талабларига мувофиқ ривожлантириб бормай, ижтимоий-сиёсий борлиқни асраб ҳам, тараққий эттириб ҳам бўлмайди. Аммо, мазкур «ташкилий база» ядросини субъект ва объект, улар ўртасидаги муносабатлар ташкил этади. Демак, бошқарув субъекти инсон ва инсонлардир. Диссертацияда ушбу субъектлардан бири хотин-қизлар экани таъкидланган.

[8]Пригожин А.И. Организации: системы и люди. –Москва, Политиздат, 1983. –С.6.

Диссертацияда давлат вакиллик органининг бош мақсади инсон фаолиятини, инсонлараро муносабатларни, меҳнат ва жамоат ташкилотларига бирлашган кишиларнинг хатти-ҳаракатларини, ишлаб чиқариш қуроллари ҳамда табиий бойликлардан фойдаланиш жараёнларини бошқариш, ташкил этиш экани кўрсатилган. Ушбу жараёнлар давлат вакиллик органининг объектлари ҳисобланади. Шунинг учун объектга жонли (инсон) ва жонсиз (ишлаб чиқариш қуроллари, табиий бойликлар) нарсалар киради.

Инсон ҳар қандай вакиллик органи учун бир вақтнинг ўзида ҳам субъект, ҳам объектдир. Илмий адабиётларда субъект – фаол, бошқарувчи, объект – нофаол, ижрочи кабиларга ажратилади, ижтимоий ҳаётга фаол муносабатда бўлиш субъектга, ижтимоий жараёнларни кузатиш ёки уларга мутлақ бефарқлик объектга хос белги, деб қаралади.

Давлат вакиллик органининг кенг, ижтимоий-сиёсий миқёсдаги объекти, тадқиқот предметига мувофиқ, аёллар қатлами, аёллар аудиториясидир. Ўзбекистон Республикасида ушбу қатлам ва аудитория мамлакатимиз аҳолисининг 51 фоизини ташкил этади. Аммо мазкур қатлам, аудитория ўзининг ички тизимлари ва ижтимоий белгиларига эга. Аёлларни ижтимоий-сиёсий борлиқ субъектига айлантириш тўғрисида гап кетганида уларни ҳисобга олиш талаб этилади.

Тажриба кўрсатадики, аёлларнинг барчаси ҳам ижтимоий-сиёсий фаол бўла олмайди, уларга бундай талаб қўйиш инсон психологиясини ҳам, ижтимоий борлиқ қонуниятларини ҳам билмасликдир. Аксарият ҳолатларда аёллар ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаолликни эмас, балки маънавий тарбия, маданият, халқ ижоди ва гедонизм соҳаларида ўзини намоён қилишни маъқул кўрадилар.

Тўғри, уларда айнан ижтимоий-сиёсий борлиққа қаратилган фаолият юқори бўлмаса-да, ҳозирги демократик жамият, қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, давлат сиёсати аёлларни, уларнинг хоҳиш-истак ва қонуний интилишларига мувофиқ, ижтимоий-сиёсий борлиқнинг фаол субъектларига айлантиришга тайёр. Энди гап аёлларнинг ўзини ҳаракатга келтириш, уларни объектдан субъектга айлантиришдадир.

Диссертацияда давлат вакиллик органи мураккаб ижтимоий тизимлар қаторига кириши очиб берилган. Мураккаб ижтимоий тизимларга, институтларга эса доимо сон ва сифат ўзгариши, ҳатто нотекис ривожланиш хосдир. Ушбу ўзгариш ва ривожланиш ядросини эса субъект ва объект ўртасидаги муносабатлар, уларнинг динамикаси ташкил қилади.

Илмий-фалсафий адабиётларда мураккаб ижтимоий тизимлар:1)статик турғун тизимлар (масалан, организмнинг анотомик тузилиши); 2)динамик

барқарор тизимлар (масалан, организмдаги физиологик функциялар тизими); 3)ривожланувчи барқарор тизимлар (масалан, у ёки бу организмнинг онтогенез ёки филогенез ривожланиши); 4)ижтимоий динамик, беқарор тизимларга ажратилади. Ушбу классификацияга мувофиқ ёндашсак, давлат бошқаруви институтлари динамик, мураккаб тизимга киради. Ушбу тизимга «интеграл мураккаблик» хос бўлгани учун уни сон ва сифат нуқтаи назаридан баҳолаш талаб этилади. Агар мураккаб ижтимоий тизим фақат сон нуқтаи назаридан баҳоланса, унинг ички моҳияти – субъект ва объект ўртасидаги муносабатлар мазмуни, мақсади англанмай, очилмай қолади. Шунинг учун субъект ва объект ўртасидаги диалектик боғликликни, алоқаларни баҳолаганда уларнинг нафақат сон кўрсаткичларига қараб, балки сифати ва моҳиятини ҳам ўрганиш даркор.

Интеграл мураккаблик субъект ва объект муносабатларининг хусусиятидан, кўринишларидан келиб чиқади. Вакиллик органида фаолият кўрсатадиган субъект ва объектлар кун сайин ўзгарувчи эҳтиёжларни, қизиқишлар ва талабларни бошқарув фаолиятига олиб киради, натижада тизим фаолиятини у ёки бу томонга буриб юборади. Айнан шу нуқтаи назардан ҳам вакиллик органидаги субъект ва объект муносабатлари интеграл мураккаблик касб этади.

Аёллар ҳуқуқлари инсон ҳуқуқларининг таркибий қисмидир, шунинг учун диссертант уларнинг ҳуқуқларини халқаро инсон ҳуқуқлари тизимида қараб, таҳлил қилган.

Илмий тадқиқотнинг **«Ўзбекистонда хотин-қизлар фаолиятига оид илмий-назарий тадқиқотлар ва уларнинг ижтимоий-фалсафий таҳлили»** деб номланган иккинчи бобида хотин-қизлар фаолиятининг илмий-фалсафий таҳлили, феминизм ва гендер тенглик муаммолари, хотин-қизлар масаласининг ижтимоий-гуманитар тавсифлари, оммавий ахборот воситаларида хотин-қизлар масаласининг талқинлари ёритилган.

Жаҳон Иқтисодий Форуми (World Economic Forum) аёллар ижтимоий ҳаётдаги мавқеини уларнинг иқтисодий ҳаётдаги иштироки, иқтисодий имкониятлари, сиёсий ҳокимиятдаги ўрни, маълумоти ва саломатлиги нуқтаи назаридан таҳлил қилган. Унинг маълумотларига кўра, аёлларга зарур шарт-шароитлар Швеция, Норвегия ва Исландияда яратилган. Ушбу давлатларда аёллар дискриминацияси батамом бартараф этилган, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги бошқа давлатлар ҳавас қиладиган даражадир. Юқоридаги кўрсаткичлар бўйича, Латвия 11-ўринда, Литва12, Эстония15,

Россия31, АҚШ эса 17-ўринда туради. Охирги ўринларни Миср, Туркия ва Покистон эгаллайди[9].

Ўзбекистонда феминистик ҳаракатлар кузатилмаса-да, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиб чиққан, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллигини ошириш муаммолари билан шуғулланаётган жамоат арбоблари, олимлар бор. Бундан ташқари, Ўзбекистонда давлатнинг ўзи хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий борлиқдаги, жамият ва давлат қурилишидаги фаоллигини юксалтириш ташаббускори бўлиб келади. Тарих кўрсатадики, феминистик ҳаракат хотин-қизлар масаласи унутилган, давлат вакиллик органида эркаклар мутлақ устуворлик қилган, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаолият кўрсатишига тўсиқлар пайдо бўлганида юзага келади. Ўзбекистонда ушбу тўсиқларни бартараф этишга, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга давлатнинг ўзи киришган.

Диссертациянинг учинчи боби **«Ўзбекистон Республикаси давлат вакиллик органида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятлари»** деб номланиб, республикамиздаги олий давлат вакиллик органида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ўрни, олий ва ижро этувчи вакиллик органида фаолияти, маҳаллий давлат вакиллик органида фаолиятининг хусусиятлари, суд ҳокимияти (вакиллик) фаолиятида хотин-қизларнинг иштироки тадқиқ қилинган. «Олий давлат вакиллик органи» деганда диссертант Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ва унинг давлат, жамият ҳаётига оид қонунчилик, ижтимоий назорат, фуқароларни ўз фаолиятига жалб этиш каби функцияларини назарда тутади. Ўзбекистон хотин-қизларининг депутатлик мандати учун олиб бораётган ижтимоий-сиёсий фаоллиги, депутат бўлгач, вакиллик органидаги жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштироки ушбу давлат тизими хусусиятидан келиб чиқади. Диссертацияда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг учта тармоққа – қонун чиқарувчи (Олий Мажлис), ижро этувчи (Президентлик институти, Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий ҳокимият) ва суд ҳокимиятига ажратилиши нуқтаи назаридан ўрганилган.

Олий давлат бошқаруви институти халқ томонидан сайланади.«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги (1993 йил 28 декабрь) Қонунга мувофиқ ҳар бир фуқаро жинси, ирқи ва миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятларидан қаъти назар, тенг сайлов ҳуқуқига эгадир. Қонунчилик палатасига депутатлар сайлаш умумий (яъни халқ томонидан, тенг ва

[9]World Economic Forum. 01.02.2007.

тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш орқали), Сенат аъзолари эса Қорақолпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларининг қўшма мажлисларида яширин овоз бериш йўли билан сайланади[10]. Мазкур қонунга кўра, 18 ёшга кирган фуқаролар сайловларда қатнашиши, 25 ёшида халқ депутати, 35 ёшда эса мамлакат президенти этиб сайланиш ҳуқуқига эга.

Сайловлар «давлат ҳокимиятини легал янгилашнинг самарали инструментидир»[11]. Шунинг учун сайловлар замонавий демократиянинг, тенг ҳуқуқлиликнинг энг муҳим белгиларидан бири, давлат вакиллик органини, ижтимоий-сиёсий институтлар фаолиятини шакллантириш ва йўлга қўйиш механизмидир. Шу билан бирга, “эркин сайловлар нафақат ҳокимиятни шакллантириш усули, худди шунингдек, унинг халқ олдидаги масъулияти ҳамдир”[12].

Олий давлат вакиллик органи депутатга юксак, мураккаб, ўта масъулиятли вазифаларни юклайди. Кишиларни, халқни бошқариш, уларда миллий демократик тараққиётга ишонч, оптимизм уйғотиш ушбу вазифаларнинг асосидир. Депутатдан саводхон, ўз касбини яхши биладиган, севадиган шахс бўлишни талаб этиш етарли эмас, у ижтимоий-сиёсий борлиққа позитив кайфият олиб кирадиган, конструктив фикрлашга мойил кишиларни бирлаштирадиган, миллий демократик тараққиётнинг стратегик мақсадларига хизмат қиладиган шахсдир. У ижтимоий-сиёсий фаоллик кўрсатиб, бошқаларда ҳам фаоллик уйғотадиган инсондир.

Диссертацияда хотин-қизларнинг ижро ҳокимияти вакиллигидаги ўрни тадқиқ қилинган.

Юқори давлат вакиллик органи бутун тармоқнинг фаолиятини ташкил этиш маҳоратини талаб этади. Бу, нафақат катта билим ва кучни, балки кўп вақтни ҳам олади. Аёлларда бундай вақт бўлавермайди, улар тезроқ иш вақти тугашини ва уйига етиб боришни истайди. Шунинг учун ҳам юқори давлат бошқаруви тизимлари (вазирликлар, давлат қўмиталари)да аёллар камчиликни ташкил этади.

Мустақиллик йилларида янги маҳаллий давлат вакиллик органи (ҳокимлик) юзага келтирилди. Айрим олимлар ҳокимлик институтини «ижро ҳокимиятининг мутлақо янги тури»[13] деб ҳисобласа, айрим олимлар уни «янги кашфиёт эмас. У тарихий ривожланиш амалиётида синовдан ўтган

---

[10]Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент, 2009. –Б.5-6;-38.

[11]ХалиловЭ.Х. Высший законодательный орган Республики Узбекистан//От формального представительства до реального парламентаризма. – Тошкент, “Ўзбекистон”, 2001. –С.81.

[12]Ўша жойда.

[13]Ҳусанов О. Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият. –Тошкент, Шарқ, 1996. –Б.6.

анъанавий ҳокимият институтидир»”[14], деб кўрсатади. Аммо, улар ҳокимлик институтининг давлат вакиллик органидаги ўрнини юқори баҳолашади.

Хотин-қизларнинг ҳокимлик ва унинг ўринбосарлари лавозимларига тайинланиши ҳар бир давр ва ҳудуддаги ижтимоий, сиёсий ва маданий шарт-шароитлардан келиб чиқиб амалга оширилади. Ўтиш даврининг мураккаблиги, эскилик билан янгилик ўртасидаги зиддиятлар, ички ва ташқи таҳдидларнинг ошиши вакиллик органи олдига дуч келган киши ҳам бажаравермайдиган, гоҳо осойишталик, оилавий фароғат, ҳатто жонидан кечиб, фидойиликка ундовчи вазифаларни қўяди. Тўғрисини айтиш лозимки, Шарқ аёлларида айнан шу фазилат етишмайди, бу эса уларнинг раҳбар сифатида фаолият юритишига ҳалақит беради. Бошқариш дадиллик, шижоат, бошқаларда етишмайдиган сифатлари билан кишиларни ўз кетидан эргаштириш санъатидир.

Диссертациянинг тўртинчи боби «**Давлат вакиллик органида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш истиқболлари»** деб аталган. Ўзбекистонда давлат вакиллик органини модернизациялаш ва унинг хотин-қизлар фаоллигига таъсири, бозор муносабатларига ўтиш: давлат вакиллик органида ижтимоий-иқтисодий фаоллиги, фуқаролик жамияти ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш истиқболлари, ижтимоий-сиёсий фаол аёлнинг портрети: маънавий-ахлоқий фазилатлари ва лидерлик хусусиятлари таҳлил этилган.

Ўзбекистонда давлат вакиллик органини модернизациялаш миллий анъаналар, тажрибалар ва умуминсоний, замонавий ёндашишларни уйғунлаштириш асосида олиб борилмоқда. Глобаллашув жараёнлари Ўзбекистон давлати ва у амалга ошираётган ислоҳотларни четлаб ўтаётгани йўқ. Аммо бир нарса давлатимизнинг бош стратегик мақсади бўлиб қолмоқда –демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш орқали ҳар бир шахсга, ҳар бир аёл ва эркакка тенг ҳуқуқлилик асосида ўзидаги қобилиятни, интеллектуал кучларни, ижодий салоҳиятини тўла рўёбга чиқаришга ёрдам бериш, айнан шу нуқтаи назардан давлатни, давлат бошқаруви тизимларини инсонга, унинг манфаатларига хизмат қилдиришдир. Махсус социологик сўровнома натижаларидан маълумки, аёл респондентларнинг 35,2 фоизи ишдан кейин тадбиркорлик билан шуғулланишни истайдилар. Уларнинг 49,8 фоизи ўзлари яшаётган жойларда тадбиркорлик билан шуғулланишга барча имкониятлар мавжуд, деб жавоб берадилар. Айниқса Самарқанд (73,2 %) ва Хоразм (63,3 %) вилоятларидаги

[14]Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллийтизими. –Тошкент, «Ўзбекистон», 2010. –Б.118.

аёл респондентлар маҳаллий ҳокимият яратиб берган шарт-шароитларни юқори баҳолайдилар[15].

Республикамизда хотин-қизларни бозор муносабатларининг, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг фаол субъектларига айлантириш давлат сиёсати даражасидаги вазифадир. Буни барча эътироф этади, ушбу сиёсий вазифага ҳеч ким тўсиқ бўлолмайди. Давлат бошқаруви тизимлари устига ушбу сиёсий вазифани бажариш учун хотин-қизлар фаоллигини қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзли кредитлар бериш, иш жойлари ташкил этиб, аёллар ташаббусидан унумли фойдаланиш юклатилган. Аммо, бу борада маълум бир этномаданий ва этнопсихологик моҳиятга тўсиқлар мавжуддир. Улар асосан, оилавий муносабатларда кўпроқ учрайди. Сегрегацияни давлат қарори ва махсус қонунлар билан бартараф этиш мумкин, аммо улар билан оиладаги гендер муносабатларни бошқариб, тўсиқларни тугатиб бўлмайди.

Бугун Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган 9100 дан зиёд фуқаролик институтлари, оммавий уюшмалар, ҳаракатлар, партиялар кишиларнинг фаоллигини уюштириш марказларига айланган. Биргина сиёсий партиялар атрофига саккиз юз мингга яқин киши бирлашган, уларнинг 40-43 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кенг қўллаб-қувватлаб келаётган фуқаролик институтларидан бири Хотин-қизлар қўмитасидир. Деярли йигирма саккиз йилдан ошиқ тажрибага эга мазкур ташкилот бугун ўз атрофига 35 мингдан ортиқ хотин-қизни бирлаштирган. Унинг раисаси Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари ҳам ҳисобланади. Бу ўринда биз нодавлат ташкилотини давлат томонидан махсус қўллаб-қувватланаётганига, аммо у ўз фаолиятини мустақил юритишига дуч келамиз.

Диссертацияда ижтимоий-сиёсий фаол аёлнинг портрети яратилган. Унга аввало маънавий-ахлоқий фазилатлар ва лидерлик (етакчилик) хислатлари киради.Маънавий-ахлоқий фазилатлар хотин-қизларимизга қадимдан хос бўлган, ижтимоий-тарихий ва маданий ривожланиш жараёнида шаклланиб, миллий қадриятларимизга айланган, ҳозир ҳам аёлларимизнинг хатти-ҳаракатлари, турмуш тарзи ва ижтимоий борлиққа муносабатларини белгилаб бераётган кўсаткичлардир. Демак, маълум бир маънавий-ахлоқий ва лидерлик фазилатларисиз ижтимоий-сиёсий фаолият, давлат, жамият ишларини бошқариш билан шуғулланиб бўлмайди. Ушбу фазилатлар ядросини эл-юрт манфаатларига хизмат қилиш, альтруизм, ташаббускорлик ташкил этади.

[15]Убайдуллаева Р.А. Мустақил Ўзбекистон: аёл, оила ва жамият. –Тошкент, Фан, 2006.–Б.312-313.

ХУЛОСА

1. Давлат бошқаруви мураккаб, кенг қамровли, гоҳо ички зиддиятларга, муаммоларга тўла фаолият туридир. Унда субъект ва объект муносабатлари гоҳ уйғун келади, гоҳо бир-бирини рад этиб, зиддиятларни келтириб чиқаради. Барча ижтимоий воқеликлар каби давлат бошқаруви ҳам рационал-оптимистик аҳамиятга эга фаолият тури сифатида кишиларнинг, социумнинг борлиғига, онги ва турмуш тарзига таъсир этади.

Давлат, вакиллик органлари кишилар, социум фаолиятини стратегик мақсадларига мувофиқ йўналтиришга, ташкил этиш ва бошқаришга қаратилгандир. Мазкур функцияларини унутган ёки керакли даражада бажролмайдиган давлат вакиллик органи деструктив кучлар таъсирига тушиб қолади, жамиятда хаоснинг келиб чиқишига сабабчи бўлади. Давлат вакиллик органи шунинг учун ҳам рационал-оптимистик фаолият олиб бориши керакки, у нафақат социумда тинчликни, тартибни, қонунларга итоат этишни таъминлаши, худди шунингдек, социум аъзоларини, фуқароларни давлат бошқарувига жалб қилиш орқали улардаги ижодий кучни, салоҳиятни, имкониятларни тўла рўёбга чиқариши лозим.

